

Канаданинг Онтарио штатида мусулмонлар мактаби энг яхши мактаб деб топилди



11:00 / 25.01.2019 3684

Канаданинг Онтарио штатида ҳар йили анъанавий тарзда ўтказиб келинадиган мактаблар рейтингида олти мусулмон мактаблари яхши мактаблар қаторидан жой олди. Ўша мактабларнинг бири юқори балл тўплаб, энг яхши бошланғич мактаб унвонига лойиқ деб топилган. Global News ахборот агентлигининг хабарига кўра, 2018 йилда Онтарио штатидаги бошланғич мактаблар сони 3046 тани ташкил этган. Улар орасида давлат ва католик мактаблари ҳамда қатор хусусий мактаблар жой олган. Рейтинг баллари ўқиш, ёзиш ва математика кўникмалари каби тўққизта илмий кўрсаткичлар асосида белгиланди.

Маълум бўлишича, 2017-2018 ўқув йилида 10 балл тўплаган 16 та мактабнинг олти тасини мусулмонлар мактаби ташкил этган. Булар

қўйидаги мактаблар: Al-Risala Academy, Iqra Islamic School, Islamic foundation, Islamic institute of Toronto, Islamic school of Cambridge, Safa & Marwa Islamic School. 20 та яхши мактаб рўйхатининг бошида эса Al-Risala Academy мусулмон мактаби турибди.

“Кўплаб мактабларнинг директорлари ва ўқитувчилари мактабларидаги ўзлаштиришнинг пасайиб кетишига ўқувчиларни ва жамиятни айбдор деб ҳисоблайдилар. Бироқ ушбу натижалар мактаб қаерда бўлмасин, ўқувчилари қандай муаммоларга дучор бўлмасин ҳар қандай шароитда ҳам муваффақиятга эриша олиш мумкинлигини кўрсатмоқда” дейди Fraser Institute’s School Performance Studies (мактабларда тадиқоқтлар ўтказувчи институт) аъзоси Питер Кароли.

Islom.uz портали таҳририяти